

**Кўчмас мулк, автомобилотранспортни бошқа шахсга ўтказишда
давлат божи миқдорлари камайтирилди**

**Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (ЎРҚ-808, 06.12.2022 й.)
билан "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва
қўшимчалар киритилди**

📌 Унга кўра, ендилиқда давлат божи қуйидаги миқдорларда ундирилади:

◆ кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлаганлик учун:

— агар кўчмас мол-мулк Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида жойлашган бўлса, Бҳмнинг 1 баравари (илгари кўчмас мол-мулкнинг умумий майдонига қараб Бҳмнинг 1 бараваридан 3 бараваригача);

— агар кўчмас мол-мулк бошқа аҳоли пунктларида жойлашган бўлса, Бҳмнинг 50 фоизи (илгари кўчмас мол-мулкнинг умумий майдонига қараб Бҳмнинг 50 фоизидан 1,5 бараваригача).

◆ мол-мулкни ижарага бериш шартномасини тасдиқлаганлик ёки унга ўзгартишлар киритганлик учун:

— мулкдорнинг хотинига (ерига), унинг ва хотинининг (ерининг) ота-онаси, болалари ва уларнинг ерига ёки хотинига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига – Бҳмнинг 10 фоизи (илгари Бҳмнинг 25 фоизи);

— жисмоний шахслар учун – Бҳмнинг 25 фоизи (илгари Бҳмнинг 50 фоизи);

— юридик шахслар учун ёки агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса – Бҳмнинг 50 фоизи (илгари Бҳмнинг 1 баравари).

◆ мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун – Бҳмнинг 25 фоизи (илгари Бҳмнинг 50 фоизи).

◆ гаров, ипотека ва лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун:

— жисмоний шахслар учун – Бҳмнинг 1 баравари (илгари шартнома суммасига қараб Бҳмнинг 1 бараваридан 2 бараваригача);

— юридик шахслар учун ёки агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса – Бҳмнинг 2 баравари (илгари шартнома суммасига қараб Бҳмнинг 2 бараваридан 4 бараваригача).

◆ қарз шартномаларини тасдиқлаганлик учун – Бҳмнинг 25 фоизи (илгари шартнома суммасига қараб Бҳмнинг 25 фоизидан 1 бараваригача).

◆ автомобилотранспортни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи қўйидаги миқдорларда ундирилади:

— автомобилотранспорт воситалари учун – БҲмнинг 3 баравари (илгари transport воситаси двигателининг қуввати, яъни от кучига ва ишлаб чиқарилган санасига қараб БҲмнинг 2 бараваридан 10 бараваригача);

— битта мототранспорт, мотоаравача, мотоқайиқ учун – БҲмнинг 25 фоизи (илгари ишлаб чиқарилган санасига қараб БҲмнинг 10 фоизидан 50 фоизигача).

◆ автомобилотранспорт воситаларини бошқаришга ва тасарруф қилишга оид ишончномаларни, шунингдек автомобилотранспорт воситаларидан текин фойдаланиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун:

— мулкдорнинг хотинига (ерига), унинг ва хотинининг (ерининг) ота-онаси, болалари ва уларнинг ерига ёки хотинига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа - сингилларига, жиянларига – БҲмнинг 50 фоизи;

— бошқа шахсларга – БҲмнинг 2 баравари (илгари БҲмнинг 3 баравари).

◆ Қарз шартномасидан келиб чиқадиган пул суммаларини ундириш тўғрисидаги ижро варақаларини берганлик учун давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.